



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўёқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 17 июль, №147 (3259)

Пайшанба

Олий Мажлисида

Маҳалла ва миллий анъаналар



Бу бор гап: сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий анъаналаримизни мустаҳкамлашга, урф-одатларимиз ҳамда удум-маросимларимизни янада шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Негаки, улар халқимизнинг кўпмигиллик бой тарихи билан уйкашиб кетган бўлиб, азалий ва бебаҳо қадриятларимиздан ҳисобланади. Жамият ва Ватан тараққиётида, фуқароларимиз ҳаётида, айниқса, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Шак-шубҳа йўқки, бундан кейин ҳам ҳар

дашимиз лозим. Бу борда энг ҳолис ва ҳўяли муносабат билдирувчи, кўпчилик фикрини уйғувчи куч маҳаллалар, чунончи, "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Гафуров, Салоҳиддин Мамажонов, Султонмурод Олимов сингари адиб, мунаққид ва олимларимизнинг инсоф, андиша, ҳаё, меҳроқибат масалаларига бағишланган ҳар томонлама забардаст мақолалари чоп этилди. Бироқ улар негадир омма томонидан кенг муҳокама қилинмади. Маҳаллаларда тарғиб этилмади. Ҳатто, зиёлиларимиз ҳам нечундир сукут сақладилар. Ҳўш, нега?.. Биз бундай лоқайдликдан қачон кутуламиз? Ўз қадриятларимизни оммавий равишда қадрлашни қачон ўрганамиз?..

Анжуман ана шундай баҳс-мунозараларга бой бўлди. Маҳалла билан оммавий ахборот воситалари фаолиятига нималарга кўпроқ эътибор қаратиш даркорлиги айтилди. Шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни мустақил ташкилот, муассаса ва идораларга юборишга келишиб олинди.



қачонгидан бойиб, сайқаллашиб ва тақомиллашиб бораверди. Биз бундан мамнунийят-ла эътироф этган ҳолда кўпчиликка аён бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз керак. Аникроғи, айрим анъана, маросим ва удумларимиз давр тақозосига кўра эскириб, бугунги кунда ўз маъно-моҳиятини йўқотганини, ҳатто салбий таъсирга эга бўлиб қолганини теран англашимиз, уларга ниҳоятда ҳушёрлик билан, онгли равишда ён-

ана шу хусусда атрофлича фикр юритилди. Унда сўзга чиққанлар халқимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган, бугунги кунда ҳам маънавий-маданий ҳаётимизга зеб бағишлаб турган гўзал анъаналаримиз, қадриятларимиз, уларнинг аҳамияти, шунингдек, унутилиб бораётган баъзи удумларимизни қайта тиклаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида тақлиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

— Охирги пайтларда — деди Олий Мажлис депутати Хуршид Дўстмуҳамедов ўз сўзида, — республика матбуотида, чунончи, "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Гафуров, Салоҳиддин Мамажонов, Султонмурод Олимов сингари адиб, мунаққид ва олимларимизнинг инсоф, андиша, ҳаё, меҳроқибат масалаларига бағишланган ҳар томонлама забардаст мақолалари чоп этилди. Бироқ улар негадир омма томонидан кенг муҳокама қилинмади. Маҳаллаларда тарғиб этилмади. Ҳатто, зиёлиларимиз ҳам нечундир сукут сақладилар. Ҳўш, нега?.. Биз бундай лоқайдликдан қачон кутуламиз? Ўз қадриятларимизни оммавий равишда қадрлашни қачон ўрганамиз?..

Анжуман ана шундай баҳс-мунозараларга бой бўлди. Маҳалла билан оммавий ахборот воситалари фаолиятига нималарга кўпроқ эътибор қаратиш даркорлиги айтилди. Шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни мустақил ташкилот, муассаса ва идораларга юборишга келишиб олинди.

Анжумани Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машқура Сафарова, Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимовлар бошқариб бордилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Ховосдон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу йил шартнома асосида фермер ва ширкат ҳўжаликларида 26 минг 800 тонна галла қабул қилиб олиши керак. Ҳозир бу иш қизғин давом этмоқда. Мутахассислар ва лаборантлар эса хирмонга фақат сара дон тўкилишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунда, айниқса, тажрибали лаборант Гулнора Гафурованинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

СУРАТДА: Гулнора Гафурова.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига

Музейлар — маданиятимиз кўзгуси

Истиқлол шарофати билан юртимиздаги маънавий-маърифий масканлар фаолиятини тубдан яхшилаш катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январда "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бу борда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, юртимиз музейларида сақланаётган ноҳир осори-атикаларимизни асраб-авайлаш, мукаммал ўрганиш, кенг тарғиб этиш, соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Бунинг самараси Ўзбекистон Давлат санъат музейи фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Музей биноси бунда эътибордан бўён ордан кўп йиллар ўтган бўлса-да, шу пайтгача бирор марта ҳам таъмирланмаган эди. Эндиликда мозийтоҳ давр талабига мос равишда тўлиқ қайта таъмирланиб, энг замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланди.

Айтиш жоизки, маъзур даргоҳда миллиятимиз ва бошқа халқлар тарихига оид 50 мингдан зиёд ноҳир осори-атика сақланмоқда. Булар Вароҳша археологик қазилмаларидан то Италия Уйғониб давригача оид бўлган тарихий жиҳозлардир. Уларнинг аксарияти яқин элик йил мобайнида томошабиналарга намойиш этилмаган ноёб ашёлардир. Шу боис ана шундай осори-атикалардан ташкил этилган кўргазма томошабиналарда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айни вақтда музей жамоаси Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётага тағбиқ эти-

лишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ерда Камолдин Беход номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, Ўзбекистон Бадий академиясининг тасвирий ва амалий санъат лицейлари ўқувчилари учун миллий санъатимиз тарихига оид ўқув ва амалий машғулотлар ўтказилаётир. Тасвирий санъат соҳасида ўз йўналишига эга бўлиб бораётган ёш мусаввирларнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш ҳам яқин анъанага айланган.

Музей жамоаси Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу кўтуғу санага бағишлаб "Ўзбекистон санъати — мустақиллик йилларида" мавзусида кўргазма ташкил этилади. Музейдаги осори-атикалар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус альбом нашрдан чиқарилади.

Нозоқот УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Қудратимиз — дўстликда

Кеча пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманининг "Ватан" маҳалласида худди шу мавзуда тағбир бўлиб ўтди. Шунинг алоҳида айтиш керакки, маҳаллада қирқ икки миқлат вақиллари бир оила фарзандларидек иноқ ва аҳил бўлиб истиқомат қилиб келишди. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ўтказилган бу

тағбир ҳақиқий байрамга айланди. Республика байналмилал маркази ташаббускорлигида уюштирилган маъзур анжуманда пойтахтимиздаги рус, корей, украин, уйғур, татар миллий маданият марказларининг санъат усталари ижро этган қўшиқ ва рақслар интигиланларда катта таассурот қолдирди.

Худойберди ЭШМАНОВ.

Пойтахтимизда Кутубхоначилар семинари

Республика давлат болалар кутубхонаси ва унинг жойлардаги филиалларида ҳар кунини минглаб ўсимир-ёшлар ташрифи буюради. Ушбу маърифат масканларида ўғайиб келадиган авлоднинг маънавий етук этиб тарбиялаш вазифасига муносиб улуш қўшилиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Турли тағбирлар, китобсеварлар кўрик-танловлари ташкил этилаётти.

Пойтахтимиздаги марказий болалар кутубхонасида замонавий воситалар билан жиҳозланган ахборот маркази ишлаб турибди. Болалар учун нашр этилган бир қанча қомусий ва илмий-маърифий китобларнинг электрон версияси мавжуд. Бу ерга юртимизда ва хорижда чоп этилган юзга яқин оммавий нашр этиб келади.

Болалар кутубхоналари фаолиятини янада тақомиллаштириш, ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлаб соҳа услуб-шунослари иштирокида ташкил этилган семинар-кеңашда шу ҳақда сўз юритилди. Тағбир Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика давлат болалар кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинар-кеңашда болалар кутубхоналарини янада ривожлантириш истиқболлари, болалар адабиётидаги янгиликлар, маълумот-библиографик ишларини тақомиллаштиришга оид маърузалар тингиланди. Болалар кутубхоналарини янги нашрлар билан бойитиш, жойларда ахборот-ресурс марказлари ташкил этиш борасидаги вазифаларнинг ижроси тағдил этилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

Жойлардан хабарлар

"Тўрткўл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти яқин кунларда "Ўзбекистон-Америка-Туркия" қўшма корхонаси "Тўрткўлтёкс" номи билан иш бошлайди.

"Тўрткўлтёкс" — ҳамкорлик меваси

Корхонада йилга 4138 тонна пахтадан 3600 тонна қалава иш тайёрланади, 3564 тонна трикотаж сури галзамаси ишлаб чиқарилади. Корхонанинг иккинчи навбати келгуси йилда ишга туширилади. Шунингдек, туманда Ислам жамағатаси 150 минг АҚШ доллари бўлган "Тўрткўл-ё" Ўзбекистон-Молдова қўшма корхонасини очиб режалаштирилмоқда.

ПОЕЗДНИ ТЎХТАТГАН БОЛА

«Ўзтемирўйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти «Халқ сўзи»нинг шу йилги 29 апрель сонидан чоп этилган «Поездни тўхтатган бола» мақоласини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Маҳаллий йўналишларда ва шаҳар атрофида қатновчи йўловчи поездлар вагонлари ойналарининг синдирилишига оид муаммони ҳал этиш, ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда нафақат темир йўл тармоғи ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки оммавий ахборот воситалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар диққат-эътиборини

Санзор устида янги кўприк

Вилоят марказини Жиззах ҳамда Фориш туманлари билан боғлайдиган улкан Гаўдутош кўпригининг қуриб битказилиши аҳолига байрамодди туҳфа бўлди. Бу билан ҳатто Навоий вилоятининг пойтахтга қатнайдиغان юк машиналарининг ҳам йўли анча қисқарди.

Санзор дарёси устида барпо этилган янги иншоотни даштбодлик йўлсозлар 4 ой байинда қуриб битказди.

Ўз мухбиримиз.

«Халқ сўзи» назоратида Мақола учун миннатдорчилик

тортиш зарур бўлган юмушлардан бирита айланиб бормоқда. Шу маънода ушбу масалани кенг халқ оmmasига етказишда бизга аниқ ёрдам бериши мумкин бўлган мақолани ёритгани учун тахририятга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

(Давоми 2-бетда).

«Бунёкор» ёшлар телеклубида мамлакатимиз ёшларининг Афғонистон ёшларига инсонпарварлик ёрдамини жўнатиш маросими ўтказилди.

Унда Афғонистоннинг мамлакатимиздаги факулдада на мухтор элчиси Абдуя Самад қатнашди.

Афгон болаларига туҳфа

Элчининг таъкидлашича, афгон ёшлари халқаро ёрдамларга мутож. Келаси ўқув йилида 4,5 миллион ёшлар мактабга, ўқув юрталарига ўқинишга бориши керак. Лекин шундан 2,5 миллионига жой бор, холос.

«Бунёкор» телеклуби ёшлари кўпчи афгон ёшларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга бел боғладилар. Улар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туманларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Натижалда ихтиёрий равишда 2,5 тонна инсонпарварлик ёрдами тўланди. Унда, асосан, мактаб эҳтиёжига зарур бўлган ўқув кўраллари, дарсликлар, кинийм-кечкалар мавжуд.

«Туркистон-пресс».

Пахтакорликлар дони

ЖИЗЗАХ (ЎЗА мухбири Т. БЕКНАЗАРОВ).

Пахтакор тумани галлакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 27 минг 555 тонна дон етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўртача 52 центнердан ҳосил олинди.

Туманда ҳосилдорлик йил сайини ошиб бораётти. Бу қишлоқ ҳўжалиги тўлиқ фермерлаштирилгани самараси, албатта. Галлачилик билан шуғулланган 863 фермернинг етти юз нафарини элик центнерга етказиб, юздан зиёди эса 60-70 центнердан ҳосил олди.

Она-табиатга эҳтиром

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида Людвиг Нестеровичнинг "Пластика оламида" мавзусидаги шахсий кўргазмаси очилди.

Анджон вилоятининг Асака шаҳрида туғилиб, Республика рассомлик коллежидан тағсил олган, ҳозир эса Тошкент куллолик заводидан меҳнат қилаётган Л.Нестерович иллануван ва ўзинга хос йўналишга эга бўлган ҳайкалтарошлардан биридир.

Унинг асарларида маҳорат теран мазмундорлик билан уйғунашиб кетган. "Лочинлар ови", "Мўсафидлар" каби асарлари шулар жумласидандир. Ижодкор кўргазмалари нафақат юртимизда, балки АҚШ, Германия, Россия каби бошқа давлатларда ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

(ЎЗА).

Фармонни ўқиб

Мамлакатимиз таълим тизимида Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги илоҳотлар изчил амалга оширилмоқда ва бу жараён халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётти. Бу эса жаҳон амалиётида қўлланаётган юқори технология ва илғор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш, тажриба алмашувини таъминлаш эҳтиёжини юзга келтиради. Мамлакатимиз Президентининг "Истиқболли ёш педагог ва илмий қадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони худди ана шу масалани назарда тутди.

ЯНА БИР УЛКАН ОДИМ

Ушбу ҳужжат Юрбошимиз таълим тизимига, ёш қадрларга алоҳида эътибор ва галмҳўрлик қилиб келаятганидан далолатдир. Шу боис ҳам Фармон таълим соҳаси ходимлари, айниқса, ёш илмий ва педагог ходимларнинг руҳини янада кўтарди. Улар бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўзаро ўртоқлашмоқдалар, матбуот, радио ва телевидение орқали изҳор этмоқдалар. Тошкентдаги 1-Педагогика коллежи директори Мунаввар ИСМОИЛОВА Президентимизнинг бу Фармони хусусида ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Фармонда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамағатаси билан "Устоз" республика жамағатаси бирлаштирилиб, уларнинг негизини Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий қадрларнинг малакасини ошириш "Истеъод" жамағатаси ташкил этилсин" дейилади. Тўғри, "Умид" жамағатаси шу пайтга қадар иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқитиш, "Устоз" жамағатаси эса грант асосида ўқитувчиларнинг хорижда тажриба алмашини таъминлаш билан шуғулланиб келди. Улар яқин натижаларга эришганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Президентимизнинг маъзур Фармони эса кейинги босқичга — истиқболли педагог қадрлар ва илмий қадрларга эътибор қаратилгани билан янада аҳамиятга эришди.

Мамлакатимиз олий ўқув юрталарида, илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилиятга эга истиқболли порлоқ ёшлар жуда кўп. Фармонда янги ташкил этилган Жамағатга грантлари асосида уларга "тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва

илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириш ҳамда мақсадли тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш учун устувор йўналишлар бўйича билиминини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш" лозимлиги айтилди.

Бизга замонавий билим ва тажриба билан қуролланган қадрлар керак. Демак, уларни тайёрлайдиган педагоглар ҳам замонавий билимга эга бўлиши шарт. Ўрта-махсус касб хунара асосида ўқитувчиларнинг кўрсатаётган педагоглар соҳада амалга оширилаётган туб илоҳотлар талаб даражасида ёшларга билим бера олармикан, деган савол мени ўйлантириб келар эди. Тўғри, биз замонавий коллежларга махсус аттестациядан ўтган педагогларни қабул қилаймиз. Бироқ малака оширишга бўлган эҳтиёж жуда катта. Уч йилда бир марта малака оширган ўқитувчи замонавий ҳамнафас бўла олиши қийин. Шу жиҳатларини муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилиятга эга истиқболли порлоқ ёшлар жуда кўп. Фармонда янги ташкил этилган Жамағатга грантлари асосида уларга "тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва

ЎЗА мухбири В. ЛУҚМОНОВ ёзиб олди.

Хар бир нарсанинг аввали ва охири бор. Биз умид ила ера нўҳол қўлаймиз, у қўқаради, азим дарахтга айланади ва бир кунги унинг ҳам умрига якун ясалади. Аммо ўша дарахтнинг йиллар мобайнида одамларга мева бериб келганлигини, ҳеч бўлмаганда, жазирама иссиқда кишиларга соя солиб турганини ҳисобга олсак ҳам, унинг нечоғли мазмуни умр кечирганига гувоҳ бўламиз. Одамзот умри ҳам худди шундай — эзгуликка йўрилган бўлиши керак. Орамизда шундай кишилар бўладими, улар гарчи қисқа умр кечирган бўлсалар-да, ана шу фурсат мобайнида ўзларидан яхши ном ва из қолдириб кетадилар.

мат-этиборини қозони. Унга энг кийин вазиятларда ишонч кийинкининг исботлай олади. Ҳамкасблари билан биргаликда юртимизга кириб келётган ёки ақинча, ташиб кетилаётган қанчандан-қанча ноқонуний товарларни ушлаб қолдиши. Хизмат давомидан бир неча бор зўравонларнинг дўқ-пўписасини ҳам кўрди. Айримлар хизмат эвазига ба-

Ватан фидойилари

нида учун? — ҳайратлангандек елкасини қисди «ҳужайин»
Бу саволга эса божхона ходимлари жавоб беришди:
— Юқларнинг тегишли ҳужжатлари йўқ экан, шунга тўхтадик.
Божхона ходимлари шун-

нидан сўнг дунёга келган ўлига (!) Едгорбек деб исм қўйди. Мана, бир неча йилдирки, ўзининг сеvimли ёридан жудо бўлган аёл бор меҳру муҳаббатини фарзандига бахш этиб, уни отасидек мард ва жасур киши бўлиб этишини тилаб яшамоқда.

деб нолимасди. Қизларини суйиб эрқаларди. Ҳали булар угайиб, сен билан менга ўғил болалардан ҳам зиёд хизмат қилади, дея ният қилардилар. Афсуски, ўлим...
Мен эълнинг дард тўла сўзларини эшитиб турарканман, хаёлимда Охунжон ҳофизнинг маҳзун қўшиғи жонланди:

кичкина қизим, мана, тўрт йилдирки отасини сўрайди. Ҳар гал ойилон далам нега келмайдилар, қаерга кетганлар, деб сўраганида нима деб жавоб беришни бемани йўғлаб юбораман, мени кўриб қизларим ҳам кўзёш тўкишади. У шундай дея яна йилга бошлади, мен эса юпатмоқда охиш эдим.
— Бу гапларни айтиб, ҳаётдан нолияпти деманг, дардим тўлиб кетгани учун айтмаман. Бизни йўқлабсиз, сизни худо йўқласин. Худога шукр, куним ўтиб турибди, болаларимнинг отаси ўтиб кетган бўлса ҳам, нафақа пуллари коримизга ярайпти, ишхоналаридан хабар олиб туришди. Эртанин кизларимни ўқитиб, ўғли-жойин қилсам, армоним йўқ. Шу қизларим учун яшамоқдаман.
Ҳалима опа билан ана узоқ суҳбатлашдим. Суҳбат чоғида у киши тўнғич қизлари Ҳилола журналистикага қизиқишини айтиб қолдилар. Шейрлар ёзинини, дадаси ҳақида хотиралар биттишини айтдилар. Ва сўзларининг охирида Ҳилоланинг отасини ёд этиб ёзган кичик бир лавҳасини бериб, шунга газеталаринида берсаларини, ҳам қизим хурсанд бўлади, ҳам дадасининг руҳи шод бўлади, дедилар. Биз ҳаёт ташвишларини елкасига олган аёлнинг бу илтимосини бажониди бажардик.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Францияда добул



Франциянинг жануби-ғарбида юз берган добул натижасида уч киши ҳалок бўлди ва яна 60 нафардан зиёд киши жабрланди. Бир неча кун давом этган жазирамадан сўнг бўлиб ўтган добул, айниқса, мамлакатнинг жануби-шарқий қисмига катта зарар келтирди. Бискарос шаҳрида дарахтларнинг кулаши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, бир неча киши эса бедарак йўқолган. Шунингдек, чақмоқ оқибатида электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан, юзлаб кишилар бошпанасиз қолган.

Associated Press

Жиноий иш қўзғатилади

Ироқнинг ҳарбий жиноятлар бўйича трибунали мамлакатнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн ва унинг яқин ёрдамчиларига қарши жиноий иш қўзғатади. Ироқ кенгаши аъзоларидан бирининг айтишича, ҳозирча АҚШ ҳукумати қидирилатган 55 нафар кишининг тақдирини ҳақида маълумот бермаган. Ироқ ҳукумати кенгаши уларнинг ишини текшириш ва жиноятчиларни қонун доирасида жазолашни ўз зиммасига олади.

Reuters

Дипломатик алоқалар ривожланмоқда

Ҳиндистоннинг Покистондаги янги элчиси Исмолободга етиб келди. Элчининг келишидан асосий мақсад — икки давлат ўртасидаги зиддиятларни юмшатишдан иборатдир. Янги элчи 53 ёшли Шившанкар Менон илгари Исроил, Шри-Ланка ва Хитойда элчи вазирлигини фаолият юритган.
Эслаб ўтамиз: Покистон ва Ҳиндистон шу йилнинг апрель ойида дипломатик алоқаларни тўлиқ тиклашга келишиб олишганди. Покистон элчиси Ҳиндистонга ўтган ойда етиб келган эди.

Reuters

Болқон қурол-аслаҳа омборими?

Болқон қурол-аслаҳа омборига айланмоқда. Хорватияда ЭТА, ИРА ва бошқа террорчилик гуруҳлари ўзларига қурол сотиб олишмоқда. Маълумотларга кўра, Хорватия пойтахти Загребда ўқотар қурол сотиб олиш Буюк Британияда эски автомобиль харид қилишдан ҳам осонроқ. Мамлакатда қурол олиб юриш фақатгина махсус хизмат вакиллари, полиция ва ҳарбийларга рухсат этилганга қарамай, ўқотар қуроллар сотиш ҳақидаги эълонлар мамлакат марказий газеталарида очик чоп этилмоқда.

Greatreporter

Хитой армияси қисқартирилмоқда

Хитой шу ойдан бошлаб қуролли кучларнинг жанговарлигини ошириш мақсадида армиясини қисқартира бошлайди, деб хабар беради мамлакат мудофаз вазириликдаги манбалар. Маълумотларга кўра, айти пайтда сони 2,5 миллион кишидан иборат армия 500 миң нафарга қисқартирилади. Ҳарбий ҳукумат ва ҳарбий денгиз кучлари энг кам қисқартирилиши режалаштирилмоқда.

Reuters

Бош вазирнинг фикрича...

Австралия Бош вазири Жон Ховард Шимолий Корея жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солаётганлигини билдирди. Унинг фикрича, беш томонлама музокаралар КХДРнинг ядро қуролига эга бўлиш режаларини қайта кўриб чиқишга ундаши мумкин. Ховард Японияга қилган сафари чоғида АҚШ, Жанубий Корея, Хитой ва Россия КХДРни ядровий дастурдан воз кечишга кўндириши лозим, деган гоёни илгари сурган.

Reuters

Мушук «тили» таржимони

Япониянинг «Takaga Co» ўйинчоқ ишлаб чиқариш компанияси ит «тили» таржима қилувчи мослама ижобий натижалар берганидан сўнг, яқинда мушук «тили» таржима қилувчи мослама ишлаб чиқарилиши ҳақида эълон қилди. Маълумотларга кўра, у шу йилнинг ноябрь ойидан савдога чиқарилади. Meowlingual деб номланган мослама катталиги кафтдек бўлиб, у мушук мибаласини экранга олиб чиқади.

Reuters

Интернет хабарлари асосида Салма ДОНИБОВ тайёрлади.

ЭЛ ҚАЛБИДА АСРАР УЛАРНИ

Улар Ватани китоблар, журналлар, кинолардан эмас, ўзлари туғилб ўсган уй остонасидан, момоларнинг юзари-даси асирлардан, боболарнинг тағйи-чоригидан ўрсанганлар. Она юрт ҳақида еваз ўқини эволамосиб улар. Чунки ватан уларнинг қалбига ажодларнинг муқаддас руҳи орқали кўчган. Ана шу муқаддас руҳ хурмати фарзандлари, ота-онаси, бутун ақиллари, юртдошлари шайтан замини асради, лозим бўлса, жонини қурбон қилиш улар учун қаҳрамонлик эмас, оддий бурч эди...

зи бир нарсаларни ҳам тақдир қилишди. Аммо у юртини, ватандошларини сотишни истамди. Ана шундай тақдирли хизмат кунларининг бирида у охири марта хизмат сафарига отланганини билмасди...
Одатидек Сурхондарёнинг қўшини биламиз — Тожкистон билан чегаралаш пости участкасида автоматчиларнинг тўхта-тиб, ҳужжатларини текшири-бошлаганиди. Навбатдаги ЗИЛ-130 автомашинаси йўл четига ўтиб тўхтади. Хайловчи машинада тўрт тонна бензин олиб кетаётганлигини, барча тегишли ҳужжатлар борлигини айтиди. Божхона назоратчилари ундан ўша ҳужжатлар қани, деб сўраганида эса, хайловчи ҳужжатлар мена эмас, орқанда келётган машинадаги одамга, дедди. Бир оз вақт ўтиб, хайловчи айтган машина ҳам орқадан етиб келди ва ундан бир киши тушиб беизини орқадан машина шифёрига ўздайилди.

Ватанин суйиш — унинг хар бир гийҳи, тоғлади тошини ҳам эъозлаш демек. Уни маърузалар, баланд-парвоз гаплар билан ўргатиб бўлмайди. Она тупроқни эъозловчи киши, аввало, бу юксак гоёлари ўзи теран тўшуниб етди ва уни фарзандлари қалбига ҳам синдиради.
Ташкент вилоти божхона хизмати ходими, марҳум Абдуманнопов Ғуломов ҳам ана шундай — ватанга фидойи кишилардан эди. Таҳририят топшириғига кўра юртининг асл фарзандларидан бири Абдуманнопов ака ҳақида хотира ёзиш учун у кишининг ўлига йўл олдим. Дарвозани, 10-12 ёшларда бўлса керак, бир қизалоқ очди. Аммо мени ҳажжонлангирин нарса шу бўлдики, унинг қўзлари ниҳоятда гамгин эди. У мени ичкарига тақдир қилди, унга кириб шундай гамгин кўзлардан яна уч жуфтини кўрди-му, юрагим изибирофта тўли. Хонадон соҳибаси Ҳалима опа менинг ҳолатимни сезиб, қизларини ташқарига чиқариб юборди.
— Мана, тўрт йилдирки, фарзандларимга ҳам ота, ҳам она бўлиб келаяман, — дейди у киши. — Туртта қизим бор, турмуш ўртоғимдан жудо бўлганимда кичкина қизалогим энди ёшига тулган эди. Отасини таниб қолган эди, ишдан келсалар эмаллаб-эмаллаб, олдларига пешвоз чиқарди. Раҳматли бирор марта бўлсин, менга ўлимиз йўқ,

Еганиш ош деманг, ёлғиз аёлнинг, Шайтон товоғига қўли солиди. Дастурхон бошида дадасини қўймаб, Ё ўли, ё қизи йўғлаб қолади...
Ҳалима опа худди менинг хаёлимга ўтаётган қўшиқни билгандек, сўзига лавом этди:
— Бола, барибир, бола-да,

Отамнинг руҳи мададкор бўлсин

Ҳилола ҒУЛОМОВА, Ташкент шаҳридаги 112-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси:
— Ватан равнақи, эл-юрт осойишталигини сақлаш, бахтли келажак учун меҳнат қилганлар, керак бўлса, жонларини фидо қилганлар олдида ҳамisha қарздоримиз. Биз ёшлар уларга муносиб ўринбосарлар бўлиб етишимиз лозим.
Менинг отам — Абдуманнопов Ғуломов ҳам божхона тизимида хизмат вазириларини сидқидилдан ўтар эдилар. Бе-шафқат ўлим бизни армонда қолдириб, уларни олиб кетди. Шунга қарамай, отамнинг божхона тизимида хизмат қил-ётган дўстлари бизни ёлғизлатиб қўйдилар, ақинча, биз — тўрт қизга оталик масъулиятини зиммаларига олдилар, ҳолимиздан хабардор бўлиб турадилар. Отамнинг Маҳмуд Каримов, Бахтиёр Каримов, Ботир Юнусов, Нуриддин Исҳоқов, Мирпўлат Исоев каби садошлари билан биз ҳам фахрланамиз.
Бизни ҳамisha қўллаб-қувватлайдиган, ватанимиз чегарасини турди гийҳванд молдалар, контрабанда, сифатсиз товар кириб келишидан муҳофаз қилаётган қадридон божхоначиларнинг ишларига муваффақият тилаймиз. Оиламиз номидан ҳаммаларига мињнатдорчилик билдираман. Улар бизга мададкор бўлгандек, отамнинг руҳи сизларга мададкор бўлсин.

Мақсуд ЖОНИХОЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Боғлар болга тўлди

Ҳўжабод тумани Андисон вилоятидаги энг илгор туманлар сирасига киради. Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган Масадих ота Мадиевнинг номидаги ширкат ҳўжалашини ўрни бўлган. Ҳўжаликда мавжуд 921 гектар боғ ва 216 гектар узумзорлар ижарачиларга бўлиб берилган. Уларнинг мақсади 2,5 миң тонна мева, 1000 тонна узум, 1200 тонна сабзавот етиштириш. Ижарачилар меҳнати ўз самарасини кўрсатаётир. Ижарачи Ҳабибулла Назаров ўзига биктирилган 5 гектар олхўризорнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарди. Бу эса оиллага яхшигина даромад келтирди. Шунингдек, ҳўжаликда бу йил 169 гектар галлазорлардан 80 центнердан ҳосил кўтарилди. Айни кунларда ҳўжалик боғларида мева ва сабзавотларни йиғиш-териш ишлари қизғин.
СУРАТЛАРДА: ишчи Шарофатхон Назаров; Ёқубжон Қовлонов ўз меҳнати маҳсулидан хурсанд.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Хабарлар оқимидан

Қўшниларга ҳам сотамиз

Термиз қурилиш материаллари корхонасида гишт черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
— Термизда ишлаб чиқарилаётган черепицаларни шартнома асосида тошкентлик сувчилар олиб кетишмоқда, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири. — Черепицани келгусида нафақат тошкентликларга, балки қўшни Афғонистон Республикасига, Россия ва Қозғистон мамлакатлари қурувчиларига ҳам сотиш кўзда тутилмоқда.

Ўзимизники

Самарқанд шаҳридаги «Судийна» боғида «Ўзбекенгилсаюат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва инвентарлари доимий кўргазма-эс очилди. Кўргазмага Тошкентдаги «Малика», «Юлдуз», «Тоғ», Самарқанддаги «Паримпек», «Бофанда», «Нафис», Намангандаги «Муштар», Қашқадарьдаги «KASH-TEKS» сингари ўлаб корхоналар ўз маҳсулотларини қўйган.

Маълумки, республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш учун ҳукуқий асослар яратилмоқда. Эндиликда маҳаллий ҳокимият ва назорат органларининг тадбиркорлар ишига ҳуда-беҳуда аралашилари ва улар фаолиятини ноқонуний текширишларига чек қўйилмоқда. Айниқса, текширишларни рўйхатта олиш китоби жорий этилгани ноҳолис текширувчилар учун мустаҳкам тўсиқ бўлди.

Шундай эса-да, назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашилари тўлиқ барҳам берилди, деб бўлмайди. Айрим тадбиркорлар арзимас сабаблар билан катта миқдордаги жаримага тортилмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид қарорлар қабул қилинмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий ҳокимият ва назорат органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилишни сўраб, вилоят ҳўжалик судига мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар.
Ўтган йили вилоят ҳўжалик судида шу мазмундаги 19 та иш кўрилиб, улардан 13 тасида даъволар асосли топилди. Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида эса 26 та ҳўжалик иши кўрилиб, уларнинг 21 таси буйича даъволар қаноатлантирилди. Ана шундай ишлардан бирининг тафсилотини газетхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.
Қарши шаҳар «Тибтаминот» жамоа корхонаси вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Унинг фаолияти Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан ноқонуний текширилиб, 1.976.231 сўм жарима асосида ундирилган. Солиқ ин-

имзоланади. Унга кўра, даъвогар 2000 донна халатни 6463,8 АҚШ доллари (32818620 рублга) нархлаб, харидорга бериши, ўз навбатида «Дарин» фирмаси ҳам 31657355 рубуллик маҳсулотларни Қаршига жўнатиши лозим бўлган. Амалда эса унинг ўрнига 1996

ҚОНУН ПОСБОНИ БЎЛА ТУРИБ...

пекциясининг бу қарорини ҳақиқий эмас, деб топиб, жамоа корхонаси ундирилган жаримани қайтаришни сўраган.
Суд муҳокамасида маълум бўлишича, 2002 йил 28-июнь кунлари жамоа корхонасида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 245-сонли қарор талабларининг бажарилиши юзасидан белги-ланган тартибда текшириш ўтказилган. Корхонага нисбатан 1.976.231 сўм миқдорда молиявий жарима, унинг раҳбарига эса энг кам ойлик меҳнат ҳақининг ўн баравари (39.450 сўм) миқдорда мамурий жарима қўлланган ва ундириб олинган.
Маълум бўлишича, 1995 йил 30 мартда «Тибтаминот» жамоа корхонаси билан Россия Федерациясининг Қозон шаҳридаги «Дарин» фирмаси ўртасида 4-сонли бартер шартномаси

АҚШ доллари миқдориданги қарз Россия Федерациясида қолиб кетганлигига ургу беришган. Лекин бу қарз пайдо бўлганига олти йилдан ошган, унинг келиб чиқишида корхонанинг айбдорлик даражаси ўрғанилмаган. Ваҳоланки, иш жараёни бундай кечган:

Қайд этилганидек, энг аввало, 3 йиллик умумий даъво мuddати ўтган. Айни чоғда Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарори бартер операциялари бўйича қайтарилмаган товарлар қиймати учун эмас, балки чет эл валютасини мамлакат ичида унга хизмат қўрсатувчи банкдан сотиб олиб, уни бошқа мамлакатга кўчириб қайтаришни ўз вақтида амалга оширмаган ҳўжалик юритувчи субъектларга тааллуқлидир. Мазкур молиявий жаримани қўллаш қарор чиққандан — 2000 йил 29 июндан кейинги муносабатларга тегишлидир. Яъни, мамлакат валюта захирасидан маблағ олиб, уни қайтармаган корхоналарга дахлдорлар. Бинобарин, Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари даъвогарга нисбатан қонуний нотўғри қўллашган. Шу сабабли, инспекция ноқонуний ундирган молиявий ва маълумий жарималар суд томонидан даъвогар фойдасига ундирилди.
Вилоят ҳўжалик суди аралашуви билан адолат қарор топди, лекин тадбиркорнинг бу вақт мобайнида торган аъзолари, сарсонгарчиликлар ўрнини ҳеч нима билан қоплаб бўлмайди.
М. НАСУЛЛАЕВ, Қошқадарь вилоти ҳўжалик суди раиси. □



Яшараётган Нукус

Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукус шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Айниқса, сўнги икки йил ичида шаҳар янада кўркамлади. Янги, мухташам бинолар қай ростлади. Турли спорт иншоотлари, гузарлар, маданий-маиший бинолар шаҳар кўрқисига кўрк қўшди. Айниқса, кўчалар таниб бўлмас даражада ободонлаштирилади.

СУРАТЛАРДА: Нукуснинг бутунги жамоли.
Рўзмет ЖУМАНИЕЗОВ (Ўза) олган суратлар.



Абдуҳолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдида

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради, деганди Президентимиз Ислам Каримов. Мустақил юртимизда халқимизнинг кўплаб ана шундай беназир фарзандларининг кутлуг номлари, бой маънавий мерослари тикланган, мустабид замон харобага айлантирган мангу кўнimgохлари обод қилинган, ёдгорлик мажмуалари қад кўтарётгани барчамизнинг дилимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

УЛУҒЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Ўзбекистон заминидан жаҳон цивилизацияси тараққийти, хусусан ислом илоҳийети фанлари ривожига бемисл ҳисса қўшган олимлар етишиб чиққанини алоҳида таъкидламоқ зарур, — деди шарқшунос олим. — Абу Райҳон Бериуний, Аҳмад ал-Фарғоний, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Мирзо Улуғбек каби кўплаб алломаларнинг номлари жаҳонга машҳур. Бу ўзбек халқининг илму маърифатга, комилликка интилиши ўзгача эканининг яққол далилидир.

таваллудини нишонлаш ҳақида Ўзбекистон ҳукумати қарори чиққанини аждодлар руҳига эҳтиром юксак эканидан бир далолат, деб билмоқ жоиз. Бу хайрли ишлар келажакга порлоқ Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Зеро, бобокалонлар меросини, ўз ўтини хурмат туйғусини ўзида мужассам этган халқнинг истиқболли мунаввардир.

улият эканини айтиб, бундай тақлифларни рад этган. Пок йимон, метин ирода инсонлар қалбидан мустаҳкам ўрин олишга интилиди. Кўна Бухоронинг «Куббаутул ислом», «Исом дини қуввати» янглиғ шарафли номлар билан таъриф тавсиф этилиши бундай фозилларнинг ўрни беқиёс.

«Хожагон» номи билан донг таратган сўфийлик тариқати асосини ҳамда атоқли олими ҳисобланади. Унинг тариқати шу қалар катта шурат қозонгани, унга «Хожа жаҳон», яъни «Оламнинг улуғи», деб ном беришган. Хожагон тариқати ва Абдуҳолик Гиждувоний таълимоти ҳозирги кунгача қатор муулмон мамлакатларида кўплаб иншоотларга эга Наҳдларимизнинг тариқатининг тамал тоши бўлиб хизмат этди.

қинг корига ярамоқ демалди. Абдуҳолик Гиждувонийнинг фаолияти сўз ва амал бирлигига риязати эришнинг ёрқин намунаси ҳамдир.

TRAST TAMILOT, ФОСФОХИМ АЗМАЗ, АЗМОЛ. реализует со склада в Ташкенте. СМАЗКИ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины). Смазка 1-13, Литол-24, Фиол-1, Графит. жир, ШРУС-4, Фиол-2, Прессолидол СВ-1, ЖРО, ИП-1 л/з, Трехолидол Ж, ЛЗ-ЦНИИ, Солидол Ж, Графит. Термост. «ТШ», Смазка 158, Графит. электропров. ж/д. «КЖ», Упаковка: Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7», Та: 25 л.: Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221. 200л.

БТЛ - бу чакана эмас! ОБУНА АГЕНТЛИГИ. 133 16 16, 139 17 54. йилга 40 тонна нашрлар 2000дан зиёд обуначи-ташкилотлар: - Вазирлар Маҳмаси - Барча вазирликлар - Давлат кўмиталари - Барча олий ўқув юрталари. 60та етказиб берувчи дастёрлар ва нашрларни ташувчи «Дамас» автомашиналари. Обунангизни олиб бораётган ташкилот билан бизларни СОЛИШТИРИБ КЎРИНГ!

Ўқув ва амалиёт муштарак. Самарқандда ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари бўйича «Ўқув-ишлаб чиқариш устaxonларида ўқув амалиёти машғулотларини ўтказиш самаралорининг ошириш бўйича педагогик тажрибалар» мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Самарқанд вилоятида жойлашган касб-хунар коллежларида ўтказилган намунавий амалий ва ўқув амалиёти машғулотларида қатнашдилар.

Чақалоқ дунёга келди. У ота-онасининг умиди, орзуси бўлиб туғилди. Оналик мартабасига эришган аёл майингизга жимаяди, ота масрур. — Соғлом онадан соғ фарзанд туғилади, — дейди Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош акушер-гинеколог, олий тоифали шифокор Клара Муҳитдинова. — Демак, туғилмажак чақалоқ ошага чин маъносиде кувонч келтириши учун биз аёлинг ҳомиладорлик даврида турли хасталиклардан асрашимиз, уни авайлашимиз даркор. Дарҳақиқат, Клара опа аёллар билан ўтадиган ҳар бир суҳбат ва учрашувларда ўзининг қимматли маслаҳатларини аямойди. СУРАТДА: Клара Муҳитдинова ҳомиладор аёл билан суҳбатлашмоқда.

Чотқол табиати — бойлигимиз. Экология. Кейинги йилларда Ватанимизда табиатни тиклаш, атроф-муҳит муҳофазасини юксак даражага кўтариш мақсадида аниқ ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Шулардан бири мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида ташкил этилган Утам-Чотқол давлат табиат миллий боғи бўлди. Тўғри, дастлаб бу дарёгоҳнинг иши унчалик қовушмади. Табиатни муҳофазга қилиш баҳонасида узок муддат ўз биланларича мустақил иш олиб борган, аслида эса тайинли бирор натижага эришмаган қатор ташкилотлар миллий боғ фаолиятига фақат тўсиқ бўлиб келдилар. Кейинроқ бу тўсиқлар бартафат этилди. Аввал раҳбарлари тез-тез алмашиб турган миллий боғда ниҳоят табиатнинг чин фидойиларидан бўлмиш Абдукарим Абдуҷамил раҳбар бўлиб келгач, дастлабки ишни жамоага ҳақиқий фидойиларини жалб этиш ва интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. Энг аввало талабчанликни биринчи навбатда у ўзига қўйди. Бошлик шахсий намуна кўрсатгач, бошқаларнинг унга эргашини шарт, албатта...

натيجаси бўлди. Унга кўра, фарбий Тянь-Шан тоғларидаги кўркам табиат бойликларини асраб-авайлашни юксак даражага кўтариш мақсадида барча кўчаларни бирлаштиришга келишилди. Эндликда Ўзбекистоннинг Утам-Чотқол Давлат табиат миллий боғи, Қирғизистоннинг Беш-Орол ва Қозогистоннинг Оқсу-Жанатиги бўлди. Унга кўра, фарбий Тянь-Шан тоғларидаги кўркам табиат бойликларини асраб-авайлашни юксак даражага кўтариш мақсадида барча кўчаларни бирлаштиришга келишилди. Эндликда Ўзбекистоннинг Утам-Чотқол Давлат табиат миллий боғи, Қирғизистоннинг Беш-Орол ва Қозогистоннинг Оқсу-Жанатиги бўлди. Чорвоқ кўрғонини ўтказилган уч давлат вакиллари кенгашидан қайтаётганимизда қоронги туша бошлаган эди. Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб гизиллаб бораётган машина Утам-Чотқол миллий боғи ноизрларнинг бошлиғи Абдураҳмон Фойибов имосига биноан тўхтади. — Анови милтқили ноинсофларни кўриятсизми?! — деди у кескин қиёфага кириб. — Қушлар айни болайдиган пайтда ов қилиб юришибди-я! Орқага бур, машинани, тоғ томондан бориб, тўсамиз. Барча эҳтиёт чораларини кўринглар, эртага идорада ушбу ҳолатни муҳомамага қўямиз... Ушбу воқеа ҳам табиат химоячиларининг амалий ишга ўтганларига бир далил, албатта.

ХАЛҚ БАНКИ. «ОБОД МАХАЛЛА ЙИЛИ» муносабати билан «Маҳаллам — фахрим менинг» жамғарилувчи, ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ. Омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 20 декабригача Халқ банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади. Сиз омонатингизга ҳисобланган даромадларни олиш билан бир қаторда 500 000 сўм ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз. Ютуқлар тиражи республика «Маҳалла» жамғармасининг тавсиясига кўра намунали маҳаллаларда ўтказилади. Мўрожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16. ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А. Баҳромовга уқаси Ақтамжон БАҲРОМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги жамоаси «Узтрансавио» республика уюмисаи бошқаруви раисининг ўринбосари Тўғрун КУВОНДИҚОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини изҳор этиш, судлар фаолиятини молия-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жамоаси департаментининг Ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими бошлиғи Адил Юнусовга уқаси Масъуда она ЮНУСОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ибн Сино Халқаро жамғармаси жамоаси бошқаруви раиси ўринбосари, профессор Зуҳра Ботировга уқаси Рўзмет БОТИРОВНИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўз РФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси бош директори ўринбосари, микология лабораториясининг мудири, биология фанлари номдоғи Ёқутжон СОЛИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси агентлигининг Бухоро вилояти бўйича мухбири Илҳом Сафаровга уқаси Анибий САҲАРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади. Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси университети қошидаги Қиётар академик лицей директори Нозира Давроновага падарини бузурқворини Ғайрат ота ЖАЛИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МИХАЙЛИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САҲАРОВ, И. УТВОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Иқтисодий-сўғий хайъат — 133-57-34; 133-78-92. Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65. Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минақаллар — 133-52-55; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17; Янгиликлар ва халқаро хайъат — 132-11-15; 132-12-08. Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатқа олинган. Буюртма Г — 608, 22990 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета тахрират компьютер базасида термид ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — М. НОРМУРОВОВА. Муасхих — М. СУЛАЙМОНОВА. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. — тижорат материалли. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишча топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 20.50. 1 2 3 4 5 6